Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
9 июнь
ШАНБА
№ 46 (13099)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-ҳунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради.

Ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, энг аввало, олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширилади.

2. Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш;

касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини-кластерлар ташкил этиш;

жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш;

вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Дастурни амалга ошириш учун қуйидаги ишчи гуруҳлар тузилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар);

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалаларига масъул бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари раҳбарлигида Аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тавсиялар бериш бўйича махсус ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – Махсус ишчи гуруҳлар);

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида Тадбиркорлик фаолияти ташкил этишга амалий ёрдам бериш ҳамда мониторинг қилиш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – Ҳудудий ишчи гуруҳлар).

Бунда:

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари, ҳудудий молия, солиқ, инвестиция бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари ва иқтисодий мажмуага кирувчи бошқа идораларнинг масъул ходимлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари раҳбар ходимлари;

Махсус ишчи гуруҳлар ҳудудий Савдо-саноат палатаси, инвестиция, солиқ бошқармалари, тижорат банклари ҳудудий филиаллари, "Ҳунарманд" уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари вакиллари;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар иқтисодий мажмуага кирувчи ташкилотлар малакали мутахассис ходимларининг 50 фоиз қисмидан, банк филиаллари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ва профилактика инспекторларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Давоми 2-бетда

ОҲАНГАРОН ЯНГИ КОРХОНАЛАР МАНЗИЛИГА АЙЛАНМОҚДА

Оҳангарон шаҳрида янги корхона иш бошлади. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Trend Tex" маҳаллий хом ашё – пахта толасидан трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган.

Катталар ва болалар учун бежирим кийим-кечаклар тикилаётган мазкур корхона фаолият бошлаши билан 180 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда корхонада 2 та тикув, дазмоллаш ҳамда қадоқлаш цехлари ҳам ишга туширилиш арафасида. Туркия, Хитой, Япония, Таиланд каби хорижий давлатлардан тикув дастгоҳлари келтирилиб, ўрнатилди. Эътиборлиси, корхона маҳсулотларининг 80 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Корхона ижрочи директори Шоҳруҳ Ҳакимовнинг айтишича, асосан ҳудудда истиқомат қилувчи ёшлар, шунингдек, меҳнатга талабгор, эҳтиёжманд фуқаролар ишга олинаяпти. Хусусан, 5 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож оила вакили, 3 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг бандлиги таъминланди. Наргиза Солиева раҳбарлигидаги моҳир чеварлар янги иш бошлаётган хотин-қизларга касб сирларини қунт билан ўргатишмоқда.

Иш юритувчи Мадина Абдураҳимова билан бирга цехларни айландик. "Янгилик" маҳалласида истиқомат қилувчи Анора Досумова, "Адолат" маҳалласидан Ойбиби Атаева, Муборак Худойберганова, "Илоқ"дан Хурсаной Ортиқбоева муқим иш ўрни, доимий даромад манбаига эга бўлганларидан мамнун. Улардан қолмай, хорижий тикув дастгоҳларини маҳорат билан бошқараётган Севара Мавлонованинг юзкўзида ҳам қувонч акс этади.

Дазмоллаш ва қадоқлаш цехидамиз. Дархонбек Маҳаматов раҳбарлигида бир гуруҳ йигит-қизлар иштиёқ билан тайёр кийимларни дазмоллаб, махсус пакетларга ўраш билан машғул.

Замонавий дизайн ва кўринишга, жиҳозларга эга ошхона, ювиниш ҳамда кийиниш хоналаридаги файзу шинамлик бу ерда ишчи-ходимлар учун жаҳон андозаларига мос зарур шарт-шароит муҳайё этилганидан далолат.

Бош менежер Бахтиёр Мирзабоев таъкидлаганидек, ишлаб чиқариш жараёнида асосий эътибор замонавий дизайн ва сифатга қаратилади. Зеро, спорт услубидаги қулай, бежирим, замонавий маҳсулотлар ҳадемай "Made in Uzbekistan" савдо белгиси остида жаҳон бозоридан муносиб ўрин олса, ажаб эмас.

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Нозим АБДУЛЛА олган суратлар

СУВ – ЗАР, СУВЧИ – ЗАРГАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 29 май куни "Қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш, сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш, ғўзадан кафолатли ҳосил яратиш билан боғлиқ долзарб масалалар" юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўртага ташланган масалалар маҳаллий кенгашларда ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

Бугуннинг гапи

Хусусан, Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Маълумотларга кўра, бу йил туманда 13 минг 925 гектар майдонда ғўза, 800 гектар майдонда сабзавот, 340 гектар майдонда эртаки картошка парваришланмоқда. Шунингдек, 200 гектар ерга полиз экинлари, шунча майдонда шоли ва соя экилган. Ҳадемай, бошоқли дон экинларидан бўшайдиган 14 минг 718 гектар майдонга эса такрорий экинлар экиш режалаштирилган. Бундан ташқари, томорқа майдонларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Мазкур экинларни парваришлаш учун туманга 281 млн. куб.метр ҳажмидаги сув лимити ажратилган. Бу сувга бўлган эҳтиёжнинг 80 фоизини ташкил этмоқда. Ана шундай мураккаб бир шароитда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш усулини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу мақсадда, депутатлар туманда суғориш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича 74 та суғориш отряди ташкил қилиш, ҳар бир отрядга 5-6 тадан фермер хўжалигини бириктириш, бунда пахта майдони 200 гектардан ошиб кетмаслиги ҳақида келишиб олдилар. Суғориш ишларига жами 2 минг 769 нафар сувчи жалб этилади.

Давоми 2-бетда

Хушхабар

Бу йилги мавсумда оққўрғонлик пиллакорлар 115 тонналик улкан пилла хирмони бунёд этишди.

«КУМУШ ТОЛА»НИНГ ОЛТИН ХИРМОНИ

Яхши биламизки, ҳар қандай ютуқ, у қайси соҳада бўлмасин, меҳнаткаш ва ҳалол инсонларнинг азму шижоати, интилиш ва ташаббускорлиги, энг муҳими, масъулият ва фидокорлиги мевасидир.

Вилоятимиз пиллакорлари учун ғалвирни сувдан кўтарадиган дамлар бошланган айни кунларда бундай мардона меҳнат ва шижоатнинг қадри ва аҳамиятини тушуниш қийин эмас. Боиси, жорий мавсум ўтган йилларга нисбатан оғирроқ келди. Табиат ва иқлим қийинчиликлари пиллакорларимиз иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Баҳор ҳароратининг меъёрдагидан анча пасайгани, мавсум мобайнида бир неча марта кучли жала ва дўл ёққани, турли касалликларга қарши курашишга тўғри келгани, айрим ҳудудларда озуқа манбаларининг етарли бўлмагани пиллакорлар учун муаммо туғдирмасдан қолмади.

Мана шундай мураккаб шароитда Оққўрғон пиллакорлари ишни тўғри ташкил этишди. Касаначилар азалий пиллакорлик анъаналари ва ота-боболаримиз тажрибасига таяниб, ўз зиммаларидаги вазифани вилоятда биринчи бўлиб уддалаганлари барчамизни бениҳоя қувонтирди.

– Мавсумда 2 минг 110 қути ипак қурти уруғлигини хонадонларга, касаначиларга тарқатиб бердик, – дейди Оққўрғон "Агропилла" МЧЖ раҳбари Акбар Раимқулов. – Бугун, мана, ҳар бир қутидан 58 кг.дан сифатли пилла олиб, белгиланган режани ортиғи билан адо этдик. Бу охирги натижа эмас, албатта. Чунки, ҳали пилла йиғими давом этмоқда. Демак, хирмонимиз янада залворли бўлади.

Таъкидлаш жоизки, туман пиллакорларининг бу муваффақиятида давлатимиз раҳбари томонидан пилланинг янги навларини яратиш, ҳосилни замонавий бозор тамойиллари асосида сотиш ва қайта ишлаш жараёнини ислоҳ қилиш, шу билан бирга, мавжуд тутзорлар майдонини кенгайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллакорлар учун зарур моддий-техник ресурслар ҳамда жиҳозларни ўз вақтида тўлиқ етказиб беришга қаратилган кўламли ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этди.

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ ЖАҲОНДА

"Туркистон" санъат саройида худди шу ном остида маърифий тарғибот кечаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Нафис анжуманлар

Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

– Китоб инсоннинг тафаккурини бойитади, дунёқарашини кенгайтиради, – дейди Мудофа вазирининг биринчи ўринбосари Азизбек Икромов. – Ҳаётни тушунишда ҳам китобдан яхшироқ дўст йўқ. Чўлпоннинг машҳур бир гапи бор: "Адабиёт яшаса – миллат яшайди." Шунинг учун кўпроқ китоб ўқиш, илм олишдан асло тўхтамаслик керак. Жорий йилдан кунлик иш тартибимизга китоб ўқишни ҳам киритганмиз.

Чарос Мирҳолиқова "Китоб ҳақида китоб" асарининг муаллифи:

– Бу китобни ёзишимга мамлакатимиз раҳбарининг китобхонликка, мутолаа маданиятини ривожлантиришга қаратаётган эътиборлари энг катта туртки бўлди. Китоб ўқиш нафақат ақлимиз учун, балки руҳиятимиз учун ҳам муҳим озуқа беради. Китобимда айнан мана шу ҳақда сўз боради. Ҳеч қайси дорихона ёки дўконда инсонни сабрли, бахтли ва омадли қиладиган маҳсулот сотилмайди. Бироқ, мана шундай дори мавжуд. Бу – китоб.

– Китоб ўқиш мен учун завқли, – дейди "Ёш китобхон" республика кўрик-танловининг иккинчи ўрин совриндори Умиджон Қутлимуродов. – Китобсиз ҳаётимни тасаввур қилишим қийин. У инсонни эзгуликка етаклайди. Кўп китобларни мутолаа қилганман. Шунинг учун "Ёш китобхон" танловида ғолиблар сафида бўлдим. Агар танлаш имконияти бўлганида 3-ўринни сўраган бўлардим. Чунки, бу ўрин соҳибига мукофот сифатида 200 дона китоб жамланмаси берилди.

– "Ёш навоийхонлар" кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритганим учун Президентимизнинг юксак мукофоти – "Спарк" автомашинасига эга бўлдим, – дейди Иброҳим Ғаффоров. – Бу йил "Ёш китобхон" республика танловида қатнашиш истагини билдирдим. Бу кўрик-танловда ҳам ғолиб бўлиб, ота-онам юзини ёруғ қилмоқчиман.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган "Турон" театр жамоаси ажойиб чиқишларини намойиш қилди. Жажжи болажонлардан таркиб топган "У медиа" гуруҳи эса ўзининг ноодатий китоб тақдимотлари билан тадбирни янада жозибали давом этишига ҳисса қўшишди.

Учрашув давомида таниқли санъаткорлар ҳамда ёш ижрочиларнинг куй-қўшиқлари томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади. Тадбир сўнгида таниқли шоир ва ёзувчиларга эсдалик совғалар топширилди.

Эрали БОЙМИРЗАЕВ
Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

4. Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга:

Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари хусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Махсус ишчи гуруҳларга:

тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиққан ҳолда "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари" мавзусида ўқув машғулотларини ўтказиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган оилаларга тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишига кўмаклашиш;

кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига касаначилик ва кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмаларни ташкил этиш орқали қўшимча даромад топиш имконини яратиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашиш юклатилсин.

6. Ҳудудий ишчи гуруҳларга:

ҳар бир оила ва хонадонларни хатлов асосида қамраб олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш салоҳияти, истак ва таклифларни синчковлик билан ўрганиш;

ўрганиш давомида оилаларнинг тадбиркорлик ғояси ва кўникмаси, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлигини аниқлаш;

ҳовли ва кўп қаватли хонадонларда яшовчи ҳар бир оиланинг тадбиркорлик салоҳияти ва имкониятларини таҳлил қилиш, яшаш ҳудудининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишлари учун кенг қамровли йўналишлар бериш ва кўмаклашиш;

тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш истагида бўлган шахсларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш ишларини ташкиллаштириш;

аҳолининг шахсий томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар бериш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган оилаларга янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда айрим сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандлар фаолиятини қайта тиклаш учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши ҳамда мавжуд муаммолар ҳал этилишига амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа давлат хизматлари кўрсатилишида тавсиялар ҳамда кўмак бериш;

ҳар ойда камида бир марта тадбиркорликни янги ташкил қилган оилаларга ташриф буюриб, фаолияти давомида юзага келаётган муаммоларни ўрганиб бориш, уларни бартараф этиш ва ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;

ўрганиш натижалари бўйича ҳудуд ва республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ва таклифларни Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Дастур амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тизимли мониторинг қилиш ва рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари А. Р. Каримов, иқтисодиёт вазирининг ўринбосари А. Ж. Ортиқов, Марказий банк раисининг ўринбосари А. Р. Исламовлар – Дастур координаторларига юклатилсин.

Дастур координаторлари ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритиб борсин.

8. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига зарур бўлган ҳолатларда Дастурда белгиланган вазифаларни қўшимча молиялаштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) Дастур доирасида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларга устувор равишда кафилликлар ва фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар ажратсин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар Жамғармага тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиладиган йўналишларни кенгайтириш юзасидан таклифлар киритиб борсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар:

энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача миқдорда – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда – тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

10. Дастур координаторлари зиммасига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан самарадорлиги юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишга Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорига асосан хулоса бериш вазифаси юклатилсин.

Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар аъзолари ўз қарори асосида имтиёзли кредит ажратилган лойиҳаларнинг тўлиқ ишга туширилиши ҳамда келгусида ушбу лойиҳаларнинг самарали ишлашини мониторинг қилсин.

Дастур координаторлари Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг қарорлари асосида кредит ажратилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳолатини алоҳида назорат қилиб борсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта ташкилотлари билан биргаликда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг қайтмаслик хатари суғурталанганда суғурта тўловини 1,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгилаш ҳамда суғурталаш шартларини енгиллаштириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланилмаётган ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиб, белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда бекор қилиниши ҳамда ушбу ер майдонларини Дастур доирасида фаолиятини бошлаётган ва кенгайтираётган тадбиркорлик субъектларига ажратиш юзасидан зарурий чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин ва натижаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда туман ва шаҳарларда замонавий мини-технологиялар ва бошқа ускуналар сайёр кўргазмаларини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

15. Жорий йилнинг 10 июнидан бошлаб намунавий тарзда Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида "Ҳар бир оила – тадбиркор" ҳудудий дастури (кейинги ўринларда – Ҳудудий дастур) амалга оширилсин.

Андижон вилояти ҳокими (Ш. Қ. Абдураҳмонов) жорий йилнинг 10 июнига қадар мазкур қарорда кўрсатилган ишчи гуруҳларни тузсин.

16. Ҳудудий дастурда кўзда тутилган вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадларига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан жалб қилинадиган хорижий молия институтлари кредит линияларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Дастур координаторлари мазкур маблағларни туманлар (шаҳарлар) салоҳияти, келиб тушган мурожаатларнинг асосланганлиги, шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлиги ҳамда ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Андижон вилояти тижорат банклари ва туманлар (шаҳарлар) кесимида тақсимласин ҳамда уларга зарур ҳолларда қайта тақсимлаш ваколати берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (А. К. Мирсоатов) ушбу кредит маблағларини Дастур координаторлари тақсимотига асосан Андижон вилоятида фаолият юритувчи тижорат банкларига йиллик 3 фоиз тўлов шарти билан қайта молиялаштирсин.

17. Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш. Қ. Абдураҳмонов) манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки билан биргаликда:

бир ой муддатда наслли қорамол, парранда ва қуёнларни маҳаллий шароитларга мослаштирувчи махсус фермаларни ташкил этиш;

мазкур фермаларга чет элдан маҳсулдорлиги юқори бўлган наслдор қорамол, эчки ва қуён зотларини олиб келиш, кўпайтириш ҳамда вилоятнинг табиий-иқлим шароитларига мос зотларини яратиш, молларни сунъий қочиришнинг илғор технологияларини жорий этиш;

мазкур фермаларда маҳаллий шароитга мослаштирилган наслдор қорамол, эчки ва қуён зотларининг кўргазмаларини ташкил этиш ва аҳоли хоҳишига асосан уларни танлов асосида мақбул нархларда сотиб олинишига замин яратиш;

аҳолига махсус фермалардан сотиб олинган чорва моллари, қуён ва паррандаларни боқиш технологияларини батафсил тушунтириш ва келгусида ҳар бир хонадонда мавжуд чорва моллари ва паррандаларни вакцинация қилиш тадбирларини амалга ошириш, аҳолига наслдор молларни сунъий қочириш ва узлуксиз ветеринария хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш;

сифатли омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш борасида лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама кўмаклашиш, аҳолининг йиллик эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда омихта ем, витаминлар, премикслар, қўшимчалар ҳамда ветеринария препаратларини етказиб бериш;

йирик тадбиркорларни жалб этган ҳолда саноатлашган чорвачилик кластерларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б. З. Асадов Андижон вилояти ҳокими Ш. Қ. Абдураҳмонов билан биргаликда оилавий тадбиркорлик фаолияти илғор ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш учун Андижон вилояти иқтисодий комплекси мутасадди ходимларини хизмат сафарига юбориш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

19. Белгиласинки, республиканинг бошқа ҳудудларида Дастур уни амалга оширишнинг аниқ молиявий манбалари ва ҳисоб-китобларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартибини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор билан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни кенг қўламда ёритиш тавсия этилсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 июнь

Бошланиши 1-бетда

СУВ – ЗАР, СУВЧИ – ЗАРГАР

Ғўзага сув беришда тунги суғориш энг самарали усул ҳисобланади. Ўқариқ оралиғи 50-60 метрдан ошмаслиги лозимлиги ҳам қатъий белгиланган. Ҳар гектар майдонга 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш ва экинни шарбат усулида суғориш тизими ернинг намлигини икки баравар кўпроқ сақлаш имкониятини беради. Шунингдек, сувдан самарали фойдаланишда барча ариқ бошларига гидропостлар ўрнатиш ва суғориш ишларини биринчи навбатда, қулоқнинг охирида жойлашган контурдан бошлаш қатъий белгилаб қўйилди.



Сессияда тумандаги 10 та давлат насос станцияларидан тўлақонли фойдаланиш масаласига ҳам тўхтаб ўтилди. Улар ёрдамида 4 минг 200 гектар, шу жумладан, 1 минг 837 гектар пахта майдонлари суғорилади. Фермер хўжаликларидаги 46 та хусусий насослар жами 2 минг 350 гектар, шу жумладан, 1 минг 236 гектар пахта майдонига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, сув таъминоти оғир 65 та фермер хўжалигига 13 дона қўшимча кўчма насослар берилади. Бундай ҳудудлардаги 12 та фермер хўжалигининг 341 гектар майдони кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида сувни тежовчи технология орқали суғорилади. Дарвоқе, бу усул бўкаликлар учун янгилик эмас, улар 2016-2017 йилларда 28 комплект эгилувчан қувурлардан сув танқислигини юмшатишда фойдаланишган.

Сессия ишида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи, хусусан, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш ишлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Туман бўйича бу йил 670 гектар картошка, 3 минг гектар сабзавот, 9 минг 780 гектар дуккакли ва 2 минг 265 гектар такрорий озиқа экинларини жойлаштириш режалаштирилган.

Депутатлар вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, такрорий экиш учун режалаштирилган, айни вақтда кўп сув талаб қиладиган 102 гектар шоли ва 200 гектар соя майдонларини қисқартириб, улар ўрнига экспортбоп ва сувни кам истеъмол қилувчи мош экишни таклиф қилдилар. Умуман олганда, сувни кўп талаб қиладиган ва вегетация даври узоқ бўлган экинлар ўрнига кам суғориладиган ва тез етиладиган экинлари экилишини ва бошқа таклифларни депутатлар бир овоздан маъқулладилар.

Таъкидлаш лозимки, экин майдонларининг намлигини таъминлаш мақсадида бошоқли дон экинлари ўрилганидан кейин уч кун муддат ичида ерларни шудгорлаш ва экишга тайёрлаш орқали ҳам муайян миқдорда сув тежамкорлигига эришиш мумкин.

Шунингдек, деҳқон хўжалиги ерлари ва томорқа майдонларини суғоришда ер ости сувларидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада Оққўрғон тумани томорқа ер эгаларининг тажрибасини кенг жорий қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари иштирок этган сессияда суғориш ишларини ташкил этиш бўйича иккита мобиль гуруҳ ташкил этилди. Уларнинг вазифалари белгилаб олинди. Сессия депутатлар ва бир қатор жамоат ташкилотлари олдига сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш юзасидан вазифалар қўйди. Кун тартибидаги масала бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Худди шу каби масалалар Халқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг навбатдаги XXXIII сессиясида ҳам муҳокама марказида бўлди.

Сессияда Халқ депутатлари Паркент тумани кенгаши раиси, туман ҳокими Неъматжон Абдуллаев кун тартибига чиқарилган долзарб масала юзасидан атрофлича фикр юритди.

Шунингдек, йиғилишда сўз олган сенатор ва депутатлар сессия кун тартибига қўйилган 2018 йилги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилдилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича маҳаллий кенгаш депутатлари, соҳа мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган долзарб масалалар вилоятимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган махсус анжуман ва сессияларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Ўз мухбиримиз

Бошланиши 1-бетда

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят минтақавий бўлинмаси ташаббуси билан "Саломатликнинг ёш дўстлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

У вилоят халқ таълими, фавқулодда вазиятлар ва соғлиқни сақлаш бошқармалари тизимида меҳнат қилаётган фаоллар, ёш мутахассислар кўмагида ташкил этилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади. Бу сафар унда иштирок этган ўқувчи-ёшлар 8 шарт бўйича ўзаро куч синашди. Санитар сумкаси ва унинг кундалигини текшириш, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, шахсий ва жамоатчилик гигиенаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва йўл-транспорт ҳаракати ҳодисаси рўй берганда қилиниши лозим бўлган хатти-ҳаракатлар, доривор ўсимликлар ва уларнинг қўлланилиши каби йўналишларда беллашган иштирокчилар ўз билим ва кўникмаларини намойиш этишди. Жамоаларнинг ҳар бир чиқиши тажрибали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

– Кўрик-танловнинг ёш авлод тарбиясида, уларнинг фаол фуқаролик масъулиятини шакллантиришда жуда аҳамияти катта, – дейди Қизил Ярим ой жамияти вилоят минтақавий бўлинмаси ижрочи директори Сувон Бегалиев. – Кувонарлиси, жамоалар мусобақага жиддий тайёргарлик кўришибди. Буни иштирокчиларнинг танлов шартларини бажаришга алоҳида фаоллик билан ёндашганлари мисолида кўрдик.

Тадбир якунида Ўрта Чирчиқ, Пискент, Паркент, Тошкент ва Қибрай туманлари ҳамда Олмалиқ, Ангрен шаҳарларидан келган жамоалар юқори ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари, турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ҳумоюн ЎКТАМЖОНОВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

2018 йилнинг иккинчи ярми учун
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»
газеталарига обуна давом этмоқда!

КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ушбу соҳани такомиллаштириш ва янгича йўналишда ривожлантиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.

Мактабгача таълим

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Пискент туманидаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам муайян ишлар олиб борилаётир. Мавжуд 15 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, янги, замонавий типдаги боғчаларни бунёд этишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирда биздаги мактабгача таълим муассасаларига 1 минг 646 нафар бола қамраб олинган, уларга 534 нафар мутахассис тарбия бермоқда. Уларнинг 40 нафари олий маълумотга эга.

Бундай муассасаларни янада ривожлантириш мақсадида 2 та нодавлат мактабгача таълим маскани фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда эса, яна 3 та хусусий боғча иш бошлаши кутилаяпти. Агар улар ҳам ишга туширилса, болажонларни тизимга қамраб олиш имконияти яна ҳам кенгаяди.

Албатта, шунга яраша кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилашга ҳам ҳаракат қилаяпмиз. Улар белгиланган жадвал асосида қайта тайёрлаш курсларида ўз билимларини ошириб келишаяпти. Илғор тажрибаларни оммалаштириш, янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этаяпмиз.

Мутахассисларнинг билим савиясини, рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида ўтказилаётган мониторинг ҳам яхши самара бермоқда. Бу орқали МТМда фаолият кўрсатаётган ҳар бир тарбиячи – мутахассиснинг имконият даражаси чуқур ўрганиб чиқилади. Бу ҳолат таълим жараёнида муҳим ҳисобланади.

Муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Муҳими, уларни ўзимиз яхши биламиз, шунга яраша бартараф этиш чораларини ҳам кўриб бораяпмиз. Чунончи, муассасаларимиз учун янги, замонавий мебеллар зарур. Қолаверса, туман мактабгача таълим бўлими учун алоҳида бино ажратилиши ҳам бугунги кун талабидир.

Нима бўлганда ҳам, ушбу тизим, янги, ойдин йўлга чиқди. Уни ривожлантириш, такомиллаштириш эса ҳар биримизнинг келажак олдидаги масъулиятимиздир.

Ирода РАИМҚУЛОВА,
Пискент тумани мактабгача таълим бўлими мудири

ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари Россия Федерациясида хизмат сафарида бўлди.

Жараён

Ташриф давомида Москва шаҳар ИИББ ЙҲХБ масъуллари ҳамюртларимизни шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва тирбандликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди.

Шаҳар кўчаларида ўрнатилган видео камераларни назорат қилувчи марказ фаолияти бўйича атрофлича маълумот берилди. Марказдан туриб чорраҳаларда юзага келаётган тирбандликларни бартараф этишда светофорларнинг иш режимини ўзгартириш, ҳар бир транспорт воситасининг қайси чорраҳадан неча маротаба ўтгани тўғрисидаги йиллик маълумотларни сақлаш тизими делегациямиз аъзоларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Россияда қидирувда бўлган, ўғриланган транспорт воситалари тўғрисида марказлашган маълумотлар базаси яратилган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича махсус ходимлар фаолият кўрсатади.

– Россиялик ҳамкасбларимизнинг сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда қатор ютуқларга эришаётганига гувоҳ бўлдик, – дейди вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи Э. Раҳмонбердиев. – Соҳага доир илғор технологиялар имкониятлари бўйича тажриба алмашдик.

Шунингдек, "Симикон" русумидаги фото-видео камералар ва радарлар ишлаб чиқарувчи корхона фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди. Бу ерда йўл белгилари талабига риоя қилмаган транспорт воситаларини автоматик тарзда қайд этувчи камераларнинг имконияти намойиш этилди.

Ташриф давомида ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишувларга эришилди.

Ўз мухбиримиз

КИЧИК ЗОНАЛАРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Президентимизнинг "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори тадбиркорларга берилган катта имконият, юксак эътибор, ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ислоҳот

Қисқа фурсатда "Чўққайма" маҳалласи ҳудудида Паркент кичик саноат зонаси ташкил этилди. "Ўзагросервис" тизимидаги Паркент машина-трактор парки филиалига тегишли бир қисми бўшаб қолган 2,32 гектар ер майдони бино-иншоотлари билан биргаликда "Паркент кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси"га бириктирилди.

Келинг, яхшиси туманда барпо этилган кичик саноат зонаси мисолида мамлакатимиздаги барча мана шундай зоналарнинг аҳамиятини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз. Биласиз, бугун бозор талаблари тез ўзгариб бораяпти. Тадбиркор товар ва хизматларни таклиф этишда катта таваккалчилик билан турли қийинчиликларга тайёр туриши шарт. Ҳеч ким катта маблағни йўқотишни истамайди. Шунинг учун ҳам эндигина тадбиркорликни бошлаётганлар, аввалдан кўриб-билиб юрган айрим соҳаларигагина маблағ тикарди. Мана энди иккиланиб ўтиришга ҳожат қолмади.

Бундай зоналарда тадбиркор янги бино қурмасдан, қисқа муддатларда ўз фаолиятини бошлаб юбориши мумкин. Ҳудудлар муҳандислик-коммуникациялар ва зарур инфратузилмага ҳам эга. Фойдаланилмаётган бино-иншоотлар негизида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикчилик асосида тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилади. Содда қилиб айтганда, тадбиркорлар ерни қаердан топаман, бино учун кўп пулим кетиб қолмасмикан, деб бош қотириб юрмайди. Тайёр бўш турган бинони таъмирлаб, ишини бошлайверади. Айтганча, бинолар айримларга тузган режасига қараб, имтиёзли узоқ муддатли ижарага ҳамда "ноль" қийматда берилади.

Давлатимиз томонидан берилаётган имконият ортида имтиёз ҳам турибди. Бу кичик саноат зонасининг қатнашчилари икки йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилади. Агар имтиёзларнинг амал қилиш муддати давомида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг 30 фоизи экспорт қилинса, мазкур имтиёзлар яна икки йилга узайтирилади.

Даромадга ҳам давлатнинг ўзи яқиндан ёрдам беради. Тадбиркор маҳсулотларини қаерда сотсам экан, қайси давлатга экспорт қилганим маъқул, деб ўйлаб ўтиришига, ташвишланишига ҳожат қолмади. Бу масалага кўмаклашиш мақсадида кичик саноат зоналари ҳудудларида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда ваколатхоналари очилмоқда. Экспорт масаласини ҳал қилишга борган тадбиркорнинг иши дарров битади.

Ушбу зоналар фаолиятида давлат ҳам, тадбиркор ҳам ўз маблағларини тежайди. Асосий эътибор экспортни оширишга қаратилгани эса, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Паркент туманида "Кичик саноат зонаси"ни ташкил этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан ушбу ҳудудда 8 та лойиҳа белгиланиб, тендер савдолари ғолиблари аниқлаб олинди. Паркентликларга хос шижоат, меҳнатсеварлик ўз сўзини айтди. Ғолиблар ўз маблағлари ҳисобидан 9 миллиард 562 миллион сўм ажратиб, жами 209 та иш ўрни яратишга ваъда беришди.

– Менга ҳудуддан 0,44 гектар ер майдонига эга бино берилди, – дейди "Fatty milk" МЧЖ раҳбари Бердиёр Ортиғалиев. – Тадбиркорликни бошлашим учун ўз маблағларим ҳисобидан 4 миллиард 200 миллион сўм ажратиб қўйганман. Яқин кунларда таъмирлаш ишларини тугатаман. Бинога Туркиянинг қуруқ сут ишлаб чиқарадиган ускуналарини ўрнатаман. Тез орада 45 нафар ишчи билан қуруқ сут ишлаб чиқара бошлаймиз.

Шунингдек, "Biznes ravnaq" МЧЖга 2 та лойиҳа тегишли бўлиб, унга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ушбу икки лойиҳанинг қиймати 900 миллион сўмга тенг бўлди. Корхонада 34 иш ўрни яратилади. "Barkamol nur qurilish" МЧЖ эса иккита лойиҳага жами 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ йўналтиради. 110 киши доимий иш билан таъминланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қадоқланади ва темир бетон устунлар тайёрланади. "Parkent energo qurilish" корхонаси битта лойиҳаси учун 462 миллион сўм маблағ сарфлайди. 10 нафар ишчи трансформаторлар учун шкафлар, электр шитлар ва замонавий тежамкор ёритгичлар ишлаб чиқаради. "Parkent elga xizmat" МЧЖ лойиҳасининг қиймати 700 миллион сўм. Бу корхонада 20 нафар ишчи ёғочни қайта ишлаб, харидорларга етказиб беради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур лойиҳалар рўёби билан жойларда янги-янги иш ўринлари яратилади. Муҳими, ҳудуднинг бой табиий-иқтисодий, минерал-хом ашё, илмий-техник ва меҳнат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади. Натижада, давлат ўз аҳолисининг бандлигини таъминлаган ва даромадларини оширган бўлиб чиқади.

Маҳмуджон МАҲМУДОВ

Ижтимоий эълон

2018 йил 1 июнь ҳолатига корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

2018 йилнинг январь-май ойида вилоятда 2,4 мингга яқин корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 396 тага кўпдир.

Шунингдек, фаолияти тугатилган корхона ва ташкилотларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,8% га камайган ҳамда улар 436 тани ташкил этганлигини кузатиш мумкин.

Бунинг натижасида, жорий йилнинг бошига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар 2,2 мингта (8,2%) га ўсган ҳамда уларнинг умумий сони 29,1 мингтани ташкил этган.

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Қибрай (11,1%), Зангиота (9,6%) ва Тошкент (7,0%) туманларида кузатилмоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 88,4% ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 11,6% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич эса йил бошига нисбатан таққосланганда 0,9 ф.п. камайган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 22,2% савдода, 18,9% саноатда, 11,0% қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 7,5% яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 7,1% қурилишда, 3,4% ташиш ва сақлаш, 1,8% соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,4% ахборот ва алоқа ва 26,6% бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-май ҳолатига 2422 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 16,1% га кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар Зангиота (238 та), Қибрай (215 та) Тошкент (168 та) ва Янгийўл туманларига (154 та) тўғри келади. Энг ками Пискент (54 та), Қуйи Чирчиқ туманлари (63 та) ва Оҳангарон шаҳрида (59 та) ташкил этилган.

Агар иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда (555 та), савдода (476 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (393 та) ва қурилиш (285 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (41 та), ахборот ва алоқада (54 та) ташиш ва сақлашда (86 та) ташкил этилганлиги кузатилмоқда.

2018 йил 1 июнь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 677 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 549 тага ёки 23,3% га ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналардан 402 таси қўшма корхоналар, 275 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани 85 та (12,6%), Қибрай тумани 76 та (11,2%) ва Юқори Чирчиқ тумани 68 та (10,0%) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Бекобод 4 та (0,6%), Пискент ва Бўка 6 тадан (0,9%), Оққўрғон тумани 9 та (1,3%) ҳамда Бекобод шаҳри 5 та (0,7%) ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

2018 йилнинг январь-май ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 83 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 61 тага кўпайган ёки 3,8 баробарга ошган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, саноатда 51 та, савдода 12 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 9 та, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа турларда 3 тадан, қурилиш, ташиш ва сақлашда 2 тадан, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

2018 йил 1 июнь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 23,7 мингтани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил 1 июнь ҳолатига қараганда 11,7% га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми яъни 2,7 мингтаси (11,6%) Қибрай, 2,3 мингтаси (10,0%) Зангиота, 1,7 мингтаси (7,4%) Тошкент ҳамда 1,5 мингтаси (6,5%) Юқори Чирчиқ туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 23,7 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 6,4 мингтаси (27,2%) савдода, 5,4 мингтаси (22,8%) саноатда, 3,1 мингтаси (13,3%) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 2,2 мингтаси (9,2%) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 2,1 мингтаси (8,7%) қурилишда, 1,0 мингтаси (4,1%) ташиш ва сақлашда, 0,4 мингтаси (1,7%) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 0,3 мингтаси (1,6%) ахборот ва алоқа соҳасида ҳамда 2,7 мингтаси (11,4%) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

2018 йил январь-май ҳолатига 2,2 мингтага яқин кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 10,8% га кўпдир. Энг кўп янги кичик корхона ва микрофирмалар Зангиота (228 та), Қибрай (204 та) ва Тошкент туманларида (150 та) ташкил этилган. Энг ками Пискент (48 та), Қуйи Чирчиқ (58 та) туманлари ҳамда Оҳангарон (52 та) шаҳрида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи саноатда (553 та), савдода (476 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (392 та) ва қурилишда (285 та) ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (38 та), ахборот ва алоқада (54 та) ҳамда ташиш ва сақлашда (84 та) ташкил этилган.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3680-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги вакант ўринларга малакали ходимларни танлов асосида ишга қабул қилади:

1. "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига таъминот ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўлими"га бош мутахассис;
2. "Ходимлар билан ишлаш бўлими"га бош мутахассис;
3. "Инновация, инвестиция ва эскпорт ҳамда томорқа хизмати МЧЖлар ишини ташкил этиш ва фаолиятини таҳлил қилиш бўлими"га бўлим бошлиғи, бош ва етакчи мутахассис;
4. "Ахборот коммуникация технологиялари бўлими"га бош мутахассис.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Байқаро кўчаси, 9-уй. Мурожаат учун телефон: 295-82-51.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг 2018 йил 27 июнь куни ўтказилиши белгиланган очиқ тендер савдоларига қўйилган йўналишлар рўйхатидаги, ВХ-305 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси – Дам олиш уйи" йўналишли такси йўналиши 2018 йил 28 апрель куни бўлиб ўтган тендер савдолари орқали жойлаштирилганлиги сабабли, ушбу такси йўналиши 2018 йил 27 июнь куни ўтказилиши белгиланган очиқ тендер савдоларига қўйилган йўналишлар рўйхатидан чиқарилишини маълум қилади.

Тузатиш.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 26.05.2018 йилдаги № 42 (13095) сонида Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан, 2018 йил 27 июнь куни ўтказилиши белгиланган очиқ тендер савдолари бўйича берилган эълондаги "2018 йил 23 апрель соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим" ва "2018 йил 27 апрель соат 17.00 гача қабул қилади", жумлалари кейинги ўринларда "2018 йил 22 июнь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим" ва "2018 йил 26 июнь соат 17.00 гача қабул қилади", деб ўқилсин.

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ 2018 йил май ойида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "TAJIBAYEVA MEXRINISO AGRO" фермер хўжалигига тегишли жами 2,77 Га., шундан 2,58 Га. ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси – 9 289 484 сўм. Сотилиш баҳоси – 10 695 000 сўм;
2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-DAVRON MAXMUDOVICH" фермер хўжалигига тегишли жами 3,50 Га., шундан 3,30 Га. ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси – 9 289 484 сўм. Сотилиш баҳоси – 10 695 000 сўм;
3. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-MAXKAMOV ULUGBEK" фермер хўжалигига тегишли жами 5,68 Га., шундан 4,18 Га. ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм. Сотилиш баҳоси – 13 800 000 сўм;
4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-ABDURAXMANOV SARDOR" фермер хўжалигига тегишли жами 2,49 Га., шундан 2,42 Га. ер майдонида жойлашган "Боғзор", бошланғич баҳоси – 2 506 267 сўм. Сотилиш баҳоси – 3 250 000 сўм;
5. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудида фаолият юритаётган "QIBRAY-FORUX" фермер хўжалигига тегишли жами 2,36 Га., шундан 2,20 Га. ер майдонида жойлашган "Узумзор", бошланғич баҳоси – 8 515 360 сўм, Сотилиш баҳоси – 9 775 000 сўм;
6. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ қовоқ КФЙ, "Дархон" МФЙ ҳудудида фаолият юритаётган "Qibray Agroimpeks" фермер хўжалигига тегишли 153-контурда ва 127-контурда қисман жойлашган жами 2,89 Га., шундан 2,09 Га. ер майдонидаги "Боғзор", бошланғич баҳоси – 35 471 815 сўм. Сотилиш баҳоси – 39 760 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган RR – № 0008.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 9 июнь куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи туманларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 17-22 даража илиқ бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьялари малака ҳайъати, судьялик лавозимига номзодлик захирасига судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини таклиф этади.

Судьялик лавозимига номзодлик захирасига кириш истагини билдирган фуқаролар жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьялари малака ҳайъатига ёхуд 253-78-44 телефон рақамига мурожаат этишлари ҳамда ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни олишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй.

ОҚ ҚОҒОЗГА БИТИЛГАН ҲАЙРАТ

Ҳар бир ўқитувчи учун мактаб унинг иккинчи уйи, ўқувчилар эса ўз фарзандидек қадрли. Камина ҳам чорак асрдирки, шу шарафли касбни ардоқлаб келаман. Зеро, у ҳаётим мазмунига айланган. Мактабимни, ўқувчиларимни бир кун кўрмасам соғиниб қоламан. Шунинг учун ҳам ёзги таътилнинг бошланиши мен учун ҳам қувончли, ҳам ҳаяжонли.

Бизга ёзадилар

Бошланғич синф ўқувчиларининг жонажон мактаби, ғамхўр ўқитувчиларига меҳри, ишончи, илм олишга бўлган иштиёқи касбимизнинг нечоғлик масъулиятли эканидан далолат. Бола қалби бамисли оқ қоғоз. Унга фақат эзгуликка йўлловчи сўзларни ёзиш, улуғ инсоний фазилатларни, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришимиз шарт.

Ёзги таътил баҳонасида болажонлар билан Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳатга чиқдик. Пойтахтимиз марказидаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф чоғида ўқувчилар ҳар бир экспонатни катта қизиқиш билан томоша қилишлари завқимни оширди. Соҳибқирон бобомизнинг улуғвор ҳайкали, қадимий осориатиқалар, либослар, айниқса, китоб, лавҳ, довот, қамиш қаламларга ҳайрат билан боқишлари мурғак қалбларда эзгулик, фахр, ғурур ниҳоллари ниш ураётганидан дарак беради.

– Мен Темурбеклар мактабида ўқийман, устоз, – дейди ўқувчиларимдан бири ҳаяжон билан. – Ахир, ботир, жасур йигитлар, албатта, ҳарбий бўлади, Ватанини ҳимоя қилади, тўғрими?

– Тўғри, лекин, аввал, мактабни аъло баҳоларга тугатишинг, кўп китоб ўқишинг керак...

Болаларга ёзги таътилда ўқишлари керак бўлган қизиқарли китоблар қаторида Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ҳам борлигини эслатдим. Демак, янги ўқув йилидаги илк дарсларимиз ёзги таътилда улар ўқиган китоблар ҳақида бўлади.

Гулшаҳноз ҚОРАХЎЖАЕВА,
Зангиота туманидаги 1-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Спорт/Спорт/Спорт/